

Умарали эшон - Нақшбандия тариқатининг олим ва мударриси (бешинчи мақола)



09:19 / 23.10.2021 1912

Зиёратгоҳни қайта тиклаш лозим

Шўро даврида бошқа диний қадриятлар қатори Умарали Эшон масжиди ва зиёратгоҳи ҳам қаровсиз ҳолга айланиб қолди. Одамлар масжид ва мақбара соҳибининг таржимаи ҳоли ва қилган ишларини унутиб юборишди. Республикамининг бошқа манзиллари обод қилинаётганлиги, таъмирланиб маънавий тарбия ўчоғи бўлиб бораётгани маҳаллий аҳолида ўз қишлоқларидаги мақбарани обод қилиш, бир пайтлар фаолият юритган масжидни қайта тиклаш орзуларини жўш урдириб юборди. Олимларимиздан Умарали эшон тарихини ўрганиб, илмий асосланган маълумотлар беришларини илтимос қилишди. Шунингдек Умарали эшоннинг зурриётларини излашди.

Бугунги кунда Яккатут қишлоғидаги Умарали Эшон мақбараси таъмирталаб ҳолатда бўлиб, саховатпеша инсонларнинг ва мутасадди ташкилот раҳбарларининг эътиборига муҳтож. Тарих ва маданий меросимизни кенг ўрганаётган бир пайтда ҳамда Нақшбандия тариқати тарихини ўрганишга рағбат кўрсатаётган эканмиз, бу тариқатга тегишли кишининг ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этиш илмий ва ижтимоий аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ушбу зиёратгоҳ ёнида бир пайтлар жоме масжиди бўлганлигини эътиборга олиб, янги жоме масжиди қурилиш зарур деб биламиз. Чунки, Яккатут қишлоғи аҳолиси кўп бўлиб, тумандаги жоме масжидлари 5-6 километр узоқда жойлашган. Аҳолининг талаблари эътиборга олиниб, бу масала ижобий ҳал этилади деган умиддамиз.

Акрам Шарипов, мустақил илмий тадқиқотчи

Чиноз тумани, Олмазор қўрғони